

## БОҒЧА ЁШИ ДАВРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Машарипова Индира Мақсудовна**

*Қорақалпоғистон Республикаси Беруний Тумани  
Шаббоз Офй, Аскар МФй, Нурли Йўл Кўчаси 19-Уй*

**Аннотация:** *Мақолада боғча ёшидаги болалар психологияси, уларнинг мактаб босқичига қандай тайёрлаши ва аҳамияти ҳақида фикр юритилади. Мактабга болани ҳар томонлама тайёрлашда боғча ёшидаги боларни турли ўйинлар ва вазиятлар билан таниши бўлиши ёритилган.*

Боланинг 3 ёшдан 7 ёшгача булган боғча ёши болалик даврининг катта бир кисмини ташкил этади. Асосан мана шу даврдан бошлаб боланинг мустикал фаолиятлари ривожланади ҳамда шахсий индивидуал хусусиятлари (инсоний фазилятлари) таркиб топа бошлайди. Машхур рус педагогларидан П.Ф.Лестгафнинг фикрича, инсоннинг боғча ёшидаги даври шундай бир даврки, ана шу давр мобайнида келгусида қандай характер хислатлари пайдо булиши белгиланади ва ахлокий сифатларининг асослари юзага келади.

Бола боғча ёшига етгач, унинг психик тараккиётида жиддий ўзгаришлар юзага келади. Чунки худди ана шу даврдан бошлаб боланинг мустикал фаолияти анчагина кучая бошлайди. Боғча ёшидаги бола мустикал фаолиятда бўла олиши учун зарур бўлган иккита кудратли кучга эга. Биринчидан, маълум даражада ўзига бўйсундирилган ҳаракат апаратига, иккинчидан эса, атрофидаги катта одамлар ва ўз тенгдошлари билан бир қадар эркин муносабатда бўла оладиган нутққа эга. Мана шунинг учун бу ёшдаги болаларнинг хулқ-атворлари, ҳатти-ҳаракатлари, қизиқиш ва эҳтиёжлари боғчага тарбия ёшидаги болаларникидан кескин фарқ қилади. Бу эса, ўз навбатида, боғча ёшидаги болалар билан боғчагача тарбия ёшидаги болалар таълим-тарбиясига ҳам етарлича муносабатда бўлишни такозо қилади. Боғча ёшидаги даврда боланинг барча психик жараёнлари жадал ривожлана бориб, унинг ташқи муҳит билан бўлган муносабатларида анчагина ўзгаришларни юзага келтиради. Бир томондан, бола боғча ёшига етгач, катталарнинг доимий ёрдамларидан анча озод бўлиб, улардан бир қадар узоклашади, иккинчи томондан, катталар билан бўлган муносабатлари мураккаб, кўп томонлама характер касб эта бошлайди. Шу нарса характерлики, кичик боғча ёшидаги бола доимий ёрдам ва ғамхурлик талаб қиладиган объектдан секин-асталик билан оила ҳолида боғча болалар группасининг фаол аъзосига айлана бошлайди. Демак, бу даврдан бошлаб, мухтожликдан қутилиб, ўзи ҳам бошкаларга маълум даражада ёрдам бера оладиган, ўзининг бурчи, вазифалари, қизиқишлари ҳамда хилма-хил эҳтиёжларига эга бўлган шахсга, жамоа аъзосига айлана бошлайди.



Боғча ёшидаги болаларнинг психик жихатдан ривожланишларида уларда пайдо бўладиган хилма-хил эҳтиёж ва кизиқишлар болаларни у ёки бу ҳаракатга ундовчи, уларни ишга солувчи (омил) ҳисобланади. Маълумки, илк ёшдаги болаларда (Янги чакалоқларда) асосан органик эҳтиёжлар (масалан: овқатланиш, ташкаликни кондириш, ухлаш каби) мавжуд бўлади. Боғчагача тарбия ёшидаги болалар эса бунда органик эҳтиёжлардан ташқари ижтимоий ва интеллектуал эҳтиёжларнинг дастлабки куртаклари юзага кела бошлайди. Масалан: боғчагача тарбия ёшидаги болалар яхши гапира олмасалар ҳам, хаддан ташқари кизикувчан бўладилар. Улар кўзларига кўринган ҳар бир нарсани қўллари билан тимирскилаб ушлаб кўргунларича тиниб тинчимайдилар. Боғчагача тарбия ёшидаги болаларда учрайдиган манна шундай кизикувчанлик уларда интеллектуал эҳтиёжларнинг юзага келаётганидан далолат беради. Боғча ёшидаги болаларда ижтимоий интеллектуал ва ахлокий эҳтиёжлар яққол кўрина бошлайди. Агар боғчагача тарбия ёшидаги бола узок вақт давомида ёлғиз ўзи бирон ўйинчок билан машғул бўлиб ўтира олса, боғча ёшидаги (хусусан ўрта ва катта группа болалари) бола бундай ёлғиз ўйнашга тоқат қила олмайди. Уларда ўзларига яқин бўлаган катта одамлар ва тенгдошлари билан муносабатда бўлиш эҳтиёжи туғилади. Улар тор оила доирасидаги муносабатлар билан ўз эҳтиёжларини кондира олмай кенгрок доирадаги муносабатларга интила бошлайдилар. Натижада бу ёшдаги болаларнинг ижтимоий муносабат ва фаолият доиралари тобора кенгайиб боради. Боғча ёшидаги болалар табиатларига хос бўлган кучли эҳтиёжлардан яна бири ҳар нарсани билиб олишга бўлган эҳтиёждир. Боланинг фаолият доираси кенгайган сари атрофидаги нарсаларни билишга қаратилган эҳтиёжлари ҳам орта боради. Бунга сабаб болада турмуш тажрибасининг озлигидир. Ҳар бир нарса бола учун янгилик бўлиб туюлади ва бола уни ҳар томонлама билиб олишга интилади. Шунинг учун ҳам улар жуда кўп саволлар беради. Боғча ёшидаги болаларнинг психик жихатдан ривожланишларида боғча мухити жуда ката роль ўйнайди. Боғчадаги тартиб, интизом ва турли-туман таълимий машғулотлар болаларда юксак ижтимоий, интеллектуал, ахлокий ва гигиеник эҳтиёжларнинг гармоник равишда юзага келиш учун шароит туғдиради. Психология нуктаи назаридан қараганда, одатлар ўз моҳияти жихатидан эҳтиёжга яқин нарсалардир. Бошқача қилиб айтганда, турлича одатлар кундалик ҳаётда такрорлана бериши натижасида вужудимизга жуда сингиб кетиб, эҳтиёжга айланиб қолади. Шунинг учун болаларда ижобий ва фойдали эҳтиёжларни тарбиялаш деганда уларда ижобий ва фойдали одатларни ҳосил қилишни тушунамиз. Боғча ёшидаги даврда ҳосил қилинган мустаҳкам ижобий одатлар (эҳтиёжлар) кишининг бутун умри давомида сақланиб қолади. Боғча ёшидаги болаларнинг психик жихатдан ривожланишларида кизиқишнинг ҳам роли гоят каттадир. Кизиқиш, худди эҳтиёж каби, болани бирон фаолиятга ундовчи (ҳаракатга солувчи) омиллардан биридир. Кизиқиш деганда, биз воқеликдаги нарса ва ходисаларни бирмунча чуқуррок билишга қаратилган маҳсус интилишни тушунамиз. Демак, кизиқиш билиш жараёни билан



боглик булган хар бир шахнинг мураккаб сифатидир. Боғча ёшидаги болалар ҳамма нарсаларга бирдек кизика бермайдилар. Улар айрим нарсаларга кўпрок, бошқа бир нарсаларга камроқ кизикадилар. Лекин боғча ёшидаги болаларнинг кизикишлари катта одамлардаги каби бир нарсага нисбатан катъий ҳамда мустахкам бўлмай, бир нарсдан иккинчи бир нарсага тез-тез кўниб туради. Бундан ташқари, боғча ёшидаги болаларнинг кизикишлари жуда тарқок ва юзаки бўлади. Улар нарса ва ходисаларнинг мохияти ёки натижаларига эмас, балки шу нарса ва ходисаларнинг ўзигагина кизикадилар. Шу сабабли боғча ёшидаги болаларда асосан бекарор ва бевосита кизикишлар устун туради. Тарбиячи боғчада турли машгулотлар, экскурсиялар, суҳбатлар утказиш ва китоблар укиб бериш болаларда марказлашган баркарор кизикишларни юзага келтиришга ҳаракат қилишлари лозим.

Бола психологиясининг ривожланишида кизикишнинг ахамияти шундаки, бола кизиккан нарсасининг мумкин қадар чуқурроқ билишга тирishaди. Бинобарин, узок вақт давомида кизиккан нарсаси билан шуғулланишдан зерикмайди. Бу эса, ўз навбатида, боланинг диққати, иродаси каби муҳим психик жараёнларини ривожлантириш ҳамда мустахкамлашга ёрдам беради. Болаларда бирор соҳага нисбатан барвақт юзага келган кизикиш келажакда уларнинг шу соҳасини яхши эгаллашлари учун қандайдир тайёргарлик родини уйнайди.

Боғчада болаларнинг биргаликда таълим-тарбия олишлари, биргаликда ўйнашлари ва биргаликда овқатланишлари уларда коллективизм туйғусини юзага келтира бошлайди. Кўпчилик бўлиб бир ўйинни ўйнаш ёки бирон вазифани бажаришда ўз хатти-ҳаракатларини келишиб олиш, ролларни тақсимлаш ва бир-бирларига ёрдам бериш каби коллектив ҳаётига оид фазилатлар намоён бўла бошлайди. Бирок боғча ёшидаги даврда болалар коллективи эндигина тарқиб топа бошлаётганини унутмаслик лозим. Болалар коллективини мустахкамлашда уларнинг коллективдаги эндигина юзага келган ўзаро мураккаб муносабатлари, яъни бир-бирига бўйсунуш, бир-бирига ён босиш каби муносабатлар катта роль ўйнайди ҳамда болаларнинг психик тараккиётига ёрдам беради.

Болаларнинг бундай ўйинларида пала-партишлик, тартибсизлик йўқ. Чунинчиси, улар кўғирчоқларини ювинтирадилар, кийинтирадилар, овқатлантирадилар сўнгра боғчага олиб борадилар, ухлатадилар ва ҳ.к. бундай катъий тартиб билан амалга оширилади. Ана шундай тартибли, системали фаолиятда бўлишга одатланиш боғча ёшидаги болалар шахсий хислатларининг тарқиб топиши учун катта аҳамиятга эга. Боғча ёшидаги болалар жисмоний ва психик жихатдан ҳам етарли даражада ривожланганликлари туфайли улар оддийгина меҳнат топширқларини бажара оладилар. Болаларнинг ижодий ҳаракатлари асосан ўйин ҳамда тасвирий санъат фаолиятида (расм чизиш, лой иши, қоғоздан хар нарсалар ясаш каби) намоён бўлади. Болалар ўзларининг ўйин ва тасвирий фаолиятларида катталарнинг меҳнатларини



танкидий тарзда кайта тиклаб, меҳнат ҳаётини фаол равишда ўзлаштира бошлайдилар. Бу уларнинг меҳнат фаолиятига тайёрланишларида катта аҳамиятга эгадир.

Боғча ёшидаги болаларнинг ўз хатти-харакатларини маълум вазифаларни адо этишга буйсундира олишлари, тобора кучайиб бораётган кизикиш ва эришган аклий тараккиёт даражалари уларни маълум таълимий программа асосида тарбиялаш имконини беради. Боғчада тўғри йўлга қўйилган тарбиявий ишлар болаларда меҳнат фаолиятининг дастлабки белгилари ҳамда билимга кизикишни таркиб топтиради.

Боғча ҳаётининг кўп қиррали ва сермазмунлиги болалар билиш фаолиятларининг кенгайишига ҳамда чуқурлашишига ёрдам беради. Бу эса асосий билиш жараёнлари булиши-идрок, тасаввур, хотира ва тафаккур каби жараёнларнинг характерини ўзгартириб юборади. Боғчагача тарбия ёшидаги болаларда бу жараёнлар уларнинг ўйин ёки бирон амалий фаолиятлари билан бирга намоён бўлади. Масалан, кичик ёшдаги болалар бирон нарса билан машғул бўлиб турганларида уни идрок киладилар, илгари ҳам шу нарса билан машғул бўлганларини эслайдилар ва уни анализ ва синтез қилиб кўрадилар. Боғча ёшидаги болаларда эса бу асосий билиши жараёнлари бир-биридан дифференциялашган (ажратилган) бўлади. Боғча ёшидаги бола бирон ўйин фаолияти ёки бирон нарса билан машғул бўлиши жараёнидагина эмас, балки бундай амалий фаолиятдан ташқари ҳам бирор нарса ёки ходисани идрок қилиши, тасаввур этиши, эсида олиб қолиши, эсига тушуриши ҳамда оддий тарзда тафаккур қилиши мумкин. Шунинг учун боланинг боғча ёшидаги даврида ана шу асосий психик жараёнлари ва хусусан тафаккур ҳамда нутқ жараёнлари жадал ривожланади. Болалар катталар билан бўлган муносабатларида нарса ва ходисалар хақида элементар тушунчалар системасини эгаллаб олиб, тафаккур қилишга ўргана бошлайдилар. Кичик ва боғча ёшидаги болаларга хос бўлган «нимага?», «нима килади?», «нима кераги бор?» каби кўп саволлар уларни нарса ва ходисаларнинг сабаблари хақида фикр юрита бошлаётганликларидан дарак беради. Боғча ёшидаги болаларнинг хис-туйғулари ниҳоятда кучли бўлади. Уларнинг барча хатти-харакатлари кўтаринки хиссий ҳолатда ўтади. Бундан ташқари, боғча ёшидаги болаларнинг хис-туйғулари чуқур ва мустаҳкам бўла бошлайди. Болаларда боғча ёшидан бошлаб ахлокий, интеллектуал ва эстетик хиссиётларнинг энг содда турлари юзага кела бошлайди. Боғча ёшидан бошлаб болаларда ирода ва иродавий сифатлар ҳам тез ривожлана бошлайди. Уларда ўзининг бутун хатти-харакатларини онгли равишда қўйилган умумий бир мақсадга буйсундириш ўқуви юзага кела бошлайди.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. К.Даминов. У.Отавалиев. Х.Иброхимов. «Психологиядан топшириклар» Тошкент. 1992 й.



2. П.Левентуев. А.Аскархужаев. В.Чудновский. М.Вохидов. «Болалар психологияси очерклари» .3. Г.Капюшен, М.Дерюгина, «Йургакдан мактабгача». 1996 й.
4. М.Вохидов. «Болалар психологияси». Тошкент. 1992 й.

